Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 3 март, № 44 (8387) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1-2 март кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2 март куни Боку шаҳрида Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳининг саммитида нутқ сўзлади.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Ироқ Президенти Абдуллатиф Жамол Рашид, Ливия Давлати Президент кенгаши Раиси Муҳаммад Юнус Ал-Манфи, Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси Желька Цвиянович, шунингдек, Куба вице-президенти Сальвадор Меса, Габон вице-президенти Роз Рапонда, Танзания вице-президенти Филип Мпанго ҳамда Жазоир Бош вазири Айман бин Абдураҳмон иштирок этди.

Халқаро ташкилотлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 77-сессияси раиси Чаба Кёрёши, БМТ Бош котибининг ўринбосари Татьяна Валовая, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусрав Нозирий, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш бош котиби Қайрат Сарибай, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Ольга Алгаерова, Халқаро миграция ташкилоти бош директори Антонио Виторино, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик бош директори Рафаэль Гросси ва Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Пололикашвили қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, COVID-19 коронавирус пандемияси оқибатларини енгиб ўтиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда пандемиядан кейинги глобал тикланиш даврида барқарор ривожланишнинг бошқа долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида сўнгги йилларда инсоният пандемияга қарши курашиш, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген фожиаларнинг оқибатларини ҳам ўз бошидан ўтказаётгани билан боғлиқ таҳдид ва хатарларни қайд этди.

— Бу муаммоларнинг кўлами тобора кенгайиб, улар нафақат айрим давлатлар, балки бутун бир минтақаларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф солмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа фаолиятини янада кучайтириш тарафдори экани таъкидланди.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ МУЛОҚОТ ГУРУҲИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Илҳом Ҳайдарович!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугунги Мулоқот гуруҳи саммитининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Гўзал ва бетакрор Боку шаҳрида анжуман қатнашчиларига кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик ва учрашувимизни юксак даражада ташкил этгани учун Озарбайжон Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Озарбайжон етакчиси раислиги даврида Қўшилмаслик ҳаракатининг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи кескин ошди. Ушбу муҳим платформа доирасида мамлакатларимизнинг кўп томонлама ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Пандемия давридаги қийинчиликларга қарамасдан, ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлигимиз янада кучайди. Ташкилот тарихида биринчи бор парламентлар ва ёшлар қанотлари ташкил этилди.

Бу ютуқларнинг барчаси қадрли ҳамкасбим Илҳом Ҳайдаровичнинг улкан саъй-ҳаракатлари ва фаол ташаббускорлиги, аъзо давлатлар манфаатларини кўзлаб олиб борган амалий ишларининг яққол ифодасидир.

Шу ўринда Озарбайжон Президенти бугунги мураккаб вазиятга қарамасдан, мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижаларга эришаётганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Шу билан бирга, ҳурматли қардошимнинг тарихий адолат тикланган худудларда ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва янги-янги иншоотларни барпо этиш, аҳолига қулай шароитлар яратиб беришга қаратилган бунёдкорлик ишларини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда инсоният пандемияга қарши курашиш билан бир қаторда, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген фожиаларнинг аянчли оқибатларини ҳам ўз бошидан ўтказмоқда.

Бу муаммоларнинг кўлами тобора кенгайиб, улар нафақат айрим давлатлар, балки бутун бир минтақаларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф солмоқда. Албатта, бундай қийин ва мураккаб синовларни фақатгина биргаликда, бир-биримизни яқиндан қўллаб-қувватлаган ҳолда енга оламиз.

Шу маънода, Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа доирасидаги фаолиятимизни янада кучайтириш тарафдори эканини таъкидламоқчиман.

Фавқулодда ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг оқибатларини самарали бартараф этиш мақсадида Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғини ташкил қилишни таклиф этамиз. Биз бу институтни Ўзбекистонда жойлаштиришга тайёрмиз.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Пандемиядан кейинги даврда геосиёсий ва мафкуравий зиддиятлар кучайиб, уларнинг таъсирида жаҳоннинг турли нуқталарида янги нотинчлик ўчоқлари пайдо бўлаётгани барчамизни жиддий ташвишга солмоқда.

Бундан ташқари, Яқин Шарқ минтақаси ва Афғонистонда узоқ вақтдан буён сақланиб қолаётган низоларнинг глобал ечими ҳанузгача топилгани йўқ. Айниқса, сўнгги пайтларда барча давлатларда ўсиб бораётган терроризм ва экстремизмнинг хавф-хатарига қарши Ташкилот доирасида амалий алоқаларни кучайтириш тобора долзарб бўлиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу муносабат билан биз Қўшилмаслик ҳаракатини терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича умумий саъй-ҳаракатларимизга етакчилик қилишга чақирамиз.

Бу эса Ҳаракатга аъзо барча давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга хизмат қилишига қатъий ишонамиз.

Ушбу муаммоларни халқаро миқёсда тизимли мувофиқлаштириш ва самарали ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари албатта асосий ролни бажариши лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш жараёнида Қўшилмаслик ҳаракати аъзолари Хавфсизлик кенгаши таркибидан доимий ўрин олиши керак.

Шу ўринда Афғонистон масаласини ҳал қилиш бўйича алгоритмларни мувофиқлаштириш учун БМТ ҳузурида Халқаро музокаралар гуруҳини тузишга доир Ўзбекистон таклифини ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонаман.

Глобал миқёсда кун тартибида турган яна бир муҳим масала — бу ҳамон давом этаётган ва охири кўринмаётган иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатишдир.

Барчамиз жаҳон савдо алоқалари заифлашаётгани, саноат ва логистика занжирлари узилишининг салбий таъсирини бевосита ҳис қиляпмиз. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тақчиллиги тобора чуқурлашиб бораётгани мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий тизимлари учун жиддий синов бўлмоқда.

Минг афсуски, бундай қийин вазиятда энг катта оғирлик ва салбий таъсир, аввало, айнан ривожланаётган давлатлар зиммасига тушмоқда.

Шуни таъкидламоқчиманки, бугунги саммит каби нуфузли анжуманлар, биринчи навбатда, ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий қўшма дастурлар ва йирик лойиҳаларни илгари суриш учун кенг иқтисодий имкониятлар эшигини очиб бериши лозим.

Бу хайрли режани амалга ошириш мақсадида Ташкилотимиз саммитлари арафасида Қўшилмаслик ҳаракати Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиб боришни таклиф этаман.

Ишончим комилки, бундай муҳим тадбирлар инновациялар, замонавий билим ва илғор технологиялар алмашувини жадаллаштиришга, умуман олганда, тўртинчи саноат инқилоби, хусусан, ақлли иқтисодиётни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Пандемиянинг салбий таъсирини, биринчи галда, униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ҳис қилмоқда, десак, хато бўлмайди.

Уларнинг сифатли таълим ва профессионал билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятлари кескин камаймоқда. Энг ёмони, ёш авлоднинг келгусида ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига бўлган ишончи ва қатъияти сусаймоқда. Шунингдек, минглаб ёшларнинг онгу тафаккурига бузғунчи ва радикал ғоялар таъсири ҳам тобора кучаймоқда.

Биз ўтган йили Тошкент шаҳрида бу масалалар ечимига қаратилган, ёшлар таълими ва тарбиясига бағишланган иккинчи глобал конференцияни ўтказдик.

Бу борада сиёсат ва режаларимизни уйғунлаштириш, тўплаган тажрибаларимиз билан ўртоқлашиш мақсадида Ҳаракатимиз Ёшлар тармоғининг “Чексиз имкониятлар саммити”ни келгуси йил жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган кўҳна Самарқандда ташкил этиш ниятидамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз озарбайжонлик қардошларимизни Ташкилотимизга самарали раислиги ва саммитнинг муваффақиятли ўтаётгани билан яна бир бор самимий табриклаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугун билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар халқларимизнинг умумий равнақи ва фаровонлигига хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ХАЛҚЛАР МАНФААТИ УЧУН ТУРЛИ СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан, 1-2 март кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Давлатимиз раҳбари Бокуда бўлиши дастурига мувофиқ, Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг пандемиядан кейинги тинчликни тиклаш масалаларига бағишланган ялпи мажлисида иштирок этди.

Дунё нигоҳи

Ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти билан икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Қўшилмаслик ҳаракати саммити доирасида қатор учрашувлар ўтказди.

Мазкур ташриф якунлари, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Қўшилмаслик ҳаракати саммитида илгари сурилган катта аҳамиятга молик ташаббуслар халқаро экспертлар ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турибди.

Намиқ АЛИЕВ,
Озарбайжон Давлат бошқаруви академиясининг Халқаро алоқалар ва ташқи сиёсат кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор, элчи:

— 2 март куни Бокуда Қўшилмаслик ҳаракатининг Мулоқот гуруҳи саммити бўлиб ўтди. Ҳаракатга раислик қилаётган Озарбайжон ушбу халқаро ташкилотнинг нуфузи ва фаолиятини янги босқичга кўтарди.

➡ 2

Энтони БЛИНКЕН:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҚЛАРИ БОШҚА МАМЛАКАТЛАРГА НАМУНА

АҚШ Давлат котиби Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатимиз эришган ютуқларга юқори баҳо берди.

Кун иқтибоси

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабат Ўзбекистон мустақилликка эришгач тубдан ривожланди. Бўлиб ўтган барча учрашувлар мавжуд алоқани янада мустаҳкамлашга замин яратади.

Биз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз.

Шу ўринда, Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқи соҳасида эришган ютуқларини алоҳида эътироф этмоқчиман. Биласиз, ўн бир йил давомида 300 дан ортиқ халқаро компаниялар болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат туфайли ўзбек пахтасидан фойдаланишдан бош тортиб келаётган эди. Ўзбекистон ҳукумати маҳаллий ва халқаро меҳнат уюшмалари, инсон ҳуқуқи соҳасига оид ташкилотлар билан ҳамкорликда нафақат янги Меҳнат кодексини қабул қилди, балки ҳужжатнинг амалдаги татбиқини таъминлаш орқали турли қонунбузарликларнинг олдини олди. Бу — тарихий ютуқ ва бошқа мамлакатларга намуна.

Мазкур ислоҳотлар ўзбекистонлик тадбиркорлар, фермерлар ва оддий одамлар турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилмоқда. Иш ҳақи ошди, суиистеъмолликка камайди, хусусий инвестициялар миқдори ўсиб бормоқда. Бундан ташқари, дин эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясида жиддий силжиш кузатилмоқда.

Биз Ўзбекистоннинг барча соҳадаги ислоҳотларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар Сенатнинг 2022 йилдаги фаолияти ва 2023 йилга мўлжалланган устувор вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, ўтган йил давомида Сенат Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида акс этган устувор йўналишлардан келиб чиқиб фаолият юритди.

➡ 3

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 3 март

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

1

Бу каби фавқулодда ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда офат оқибатларини самарали бартараф этиш мақсадида Президентимиз Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғини ташкил қилишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари пандемиядан кейинги даврда геосиёсий ва мафкуравий зиддиятлар кучайиб, уларнинг таъсирида жаҳоннинг турли нуқталарида янги нотинчлик ўчоқлари пайдо бўлаётганини қайд этди.

— Яқин Шарқ минтақаси ва Афғонистонда узоқ вақтдан буён сақланиб қолаётган низоларнинг глобал ечими ҳанузгача топилгани йўқ, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Кейинги пайтларда барча давлатларда ўсиб бораётган терроризм ва экстремизмнинг хавф-хатарига қарши Қўшилмаслик ҳаракати доирасида амалий алоқаларни кучайтириш тобора долзарб тус олаётгани алоҳида таъкидланди.

Шуни ҳисобга олиб, Қўшилмаслик ҳаракати терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларга етакчилик қилиши лозимлиги қайд этилди. Бу Ҳаракатга аъзо барча давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон етакчиси бу муаммоларни халқаро миқёсда самарали ҳал этиш ва тизимли мувофиқлаштиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари албатта асосий ролни бажариши лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш жараёнида Хавфсизлик кенгаши таркибида Қўшилмаслик ҳаракати аъзоларининг доимий ўрни бўлиши кераклиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев глобал кун тартибидаги яна бир муҳим мавзу — давом этаётган иқтисодий инқироз асоратларини юмшатиш масаласига эътибор қаратди.

— Озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий тизимлари учун жиддий синов бўлмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Минг афсуски, бундай қийин вазиятда энг катта оғирлик ва салбий таъсир, аввало, айнан ривожланаётган давлатлар зиммасига тушмоқда.

Ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма дастурлар ва йирик лойиҳаларни илгари суриш учун кенг иқтисодий имкониятлар эшигини очиб бериш мақсадида Қўшилмаслик ҳаракати саммитлари арафасида Иқтисодий форумларни мунтазам ўтказиб бориш таклиф этилди.

Бундай муҳим тадбирлар инновациялар, замонавий билим ва илғор технологиялар алмашувини жадаллаштиришга, умуман олганда, тўртинчи саноат инқилоби, хусусан, "ақлли" иқтисодиётни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти пандемиянинг салбий таъсирини, биринчи галда, ўсиб келаётган ёшлар ҳис қилаётганини кўрсатиб ўтди. Уларнинг сифатли таълим ва профессионал билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятлари кескин камаймоқда.

— Энг ёмони, ёш авлоднинг келгусида ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига бўлган ишончи ва қатъияти сусаймоқда. Шунингдек, минглаб ёшларнинг онгу тафаккурига бузғунчи ва радикал мафкуралар таъсири ҳам тобора кучаймоқда, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Бу борадаги сиёсат ва режаларни уйғунлаштириш, тўпланган тажриба билан ўртоқлашиш мақсадида Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракати Ёшлар тармоғининг "Чексиз имкониятлар саммити"ни келгуси йил жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган кўҳна Самарқандда ташкил этиш ниятида эканлиги таъкидланди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари Озарбайжон томонини Қўшилмаслик ҳаракатига самарали раислик қилаётгани ва саммит муваффақиятли ўтгани билан яна бир бор самимий табриклади.

Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи сессияси якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти делегациялар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан суҳбатда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Рас-ал-Ҳайма амирлиги амири, БАА Олий кенгаши аъзоси шайх Сақр Ал-Қосимий билан етакчи компанияларни янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишга жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессияси раиси Чаба Кёрёши билан етакчи халқаро ташкилотнинг жорий йил сентябрь ойида ўтадиган ялпи сессиясининг кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Пололикашвили ЮНВТО Бош ассамблеясининг жорий йил 16 — 20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтадиган навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастурни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Боку шаҳридаги Фахр хиёбонига ташриф буюриб, Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Маълумки, Ҳайдар Алиев атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси бўлган. Унинг қатъияти, кучли сиёсий иродаси ва беқиёс етакчилик қобилияти туфайли қардош давлат мураккаб синовларни муносиб енгиб ўтган.

Ҳайдар Алиев ўзбек халқининг яқин дўсти бўлган. Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган. Қардош мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий ришталар ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган.

Бунга ўзига хос эҳтиром сифатида сиёсатчининг хотираси юртимизда ҳам эъзозлаб келинмоқда. Тошкентда Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази фаолият юритмоқда. Ўтган йили Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида пойтахтимизда Ҳайдар Алиев номидаги кўча ва хиёбон очилган эди.

Буларнинг барчаси қардош халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Ҳайдар Алиев ва унинг рафиқаси Зарифа Алиева қабрларига гул қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озарбайжон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА.

ХАЛҚЛАР МАНФААТИ УЧУН ТУРЛИ СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

1

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ташаббуси билан Қўшилмаслик ҳаракати аъзолари номидан илгари сурилган БМТ Бош Ассамблеясининг "COVID-19га қарши вакциналардан арзон баҳода, тенг, ўз вақтида ва универсал фойдаланиш имкониятини таъминлаш тўғрисида"ги резолюцияси коронавирусга қарши курашишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим восита бўлди. Қўшилмаслик ҳаракати ташкилотга аъзо давлатлар сонининг кўплиги ва унинг географияси кенглиги туфайли глобал пандемияга қарши курашда муҳим омил бўлмоқда. COVID-19 инсоният тарихидаги энг катта соғлиқни сақлаш инқирозига айланди. Бунга қарши курашиш юзасидан Ҳаракат ташаббускорлигида қабул қилинган резолюция ҳам, шубҳасиз, Боку саммити нуфузини оширди.

Тадбир доирасида қардош Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бокуга ташрифи муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президенти Бокуда бўлиш дастурига мувофиқ, Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Менимча, 1 март куни Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан бўлиб ўтган учрашувда давлат раҳбарлари икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалаларни муҳокама қилгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу учрашувлар аллақачон анъанавий моҳият касб этган бўлиб, доимо қизиқиш уйғотади. Озарбайжон Президенти Ўзбекистон раҳбарига Қўшилмаслик ҳаракати саммитида кўрсатган кўмаги ва шахсан иштироки учун самимий миннатдорлик билдирди. Учрашув кутилганидек, доимгидек очиқ, илиқ ва дўстона муҳитда ўтди. Давлат раҳбарлари долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдилар, бўлажак тадбирлар жадвали кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, тизимли ва самарали алоқалар туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатлари ўзига хос мазмун билан тўлдирилгани ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиздан зиёдга ошди. Автомобилсозлик, тўқимачилик саноати, ипакчилик каби устувор йўналишларда кооперация лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз нефть-газ, транспорт ва логистика соҳаларида истиқболли лойиҳаларни аниқ мақсад билан тайёрламоқда.

Жорий йил февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган биринчи Ҳудудлараро форум доирасида мамлакатларимиз ўртасида Қўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти ва солиқ маъмуриятчилиги тизимини ривожлантириш бўйича тажриба алмашишдан ҳам томонлар манфаатдордир.

Ўзбекистон Президентининг Бокуга амалий ташрифи стратегик шериклигимизни мустаҳкамлаш йўлида ташланган яна бир муҳим, самарали қадам бўлди.

Пак Ки ЖУНГ,
Атроф-муҳит бўйича халқаро ҳамкорлик маркази директори (Жанубий Корея):

— Қўшилмаслик ҳаракатининг муҳим саммитида Ўзбекистон етакчисининг шахсан иштирок этгани мамлакатингизнинг мазкур ташкилотдаги ўрни ва нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатор амалий ташаббуслар илгари сурилган нутқи билан танишиб, қуйидагиларни таъкидлашни истар эдим:

менимча, Ўзбекистонда Қўшилмаслик ҳаракатини мониторинг қилиш ва илмий тадқиқотлар бўйича махсус тармоқ институтини ташкил этиш таклифи иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген инқирозларнинг оқибатларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этишга хизмат қилади;

пандемиядан кейинги даврда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солиш ташкилот мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий форумлар ҳаракатнинг саммитлари арафасида мунтазам ўтказилиши долзарб ва ўз вақтида илгари сурилган ташаббусдир;

Ўзбекистон Президентининг ёшлар камолоти, навқирон авлоднинг сифатли таълим-тарбия олиши, талаб қилинадиган касб-ҳунарларни пухта эгаллаши борасидаги ташаббусини ҳам тўла қўллаб-қувватлайман.

Келгуси йилда Қўшилмаслик ҳаракати Ёшлар тармоғининг "Чексиз имкониятлар саммити" кўҳна Самарқанд шаҳрида ўтказилса, бу бетакрор шаҳар қиёфамизнинг яна бир ёшлар марказига айланади.

Фарҳод МАММАДОВ,
Жанубий Кавказ тадқиқот маркази раҳбари (Озарбайжон):

— Сўнгги икки йилда Озарбайжоннинг Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан муносабатларида мисли кўрилмаган ўсувчанлик кузатилди. Муносабатлар моҳиятан ҳам геосиёсий, ҳам иқтисодий ва минтақавий жараёнларни қамраб олган. Озарбайжон ва Ўзбекистон раҳбарлари Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёев аниқ натижаларга эришиш учун ўзаро келишувларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратаётгани катта аҳамиятга эга.

Озарбайжон ва Ўзбекистон ҳарбий-сиёсий блокларга аъзо эмас, ҳар икки давлатда бевосита денгизга чиқиш имкони йўқ, муҳим географик жойлашув ва бир хил ташқи сиёсий устуворликларга эга.

Айнан шундай мамлакатларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқликни шакллантириши, таҳдидларга қарши туриш учун қўшимча имкониятларнинг пайдо бўлиши уларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади.

Ўзбекистон Президенти Бокуда Озарбайжон Президенти билан бўлиб ўтган учрашувда 800 миллион АҚШ доллари қийматидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёргарлик кўрилаётганини маълум қилди. Бу ҳали чегара эмас. Очиб берилаётган имкониятлар икки мамлакат ҳудудида ҳам товар айирбошлаш, ҳам ишлаб чиқариш қувватлари кенгайишига хизмат қилиши тайин.

Умуман олганда, Озарбайжон ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан ўзаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилаётгани яқин келажакда бу икки туркий давлат ўртасида муносабатлар кўламлари янада шитоб билан кенгайиб бораверади, деб айтиш имконини беради.

Муҳаммад Толиб Бин Моҳамад Ража МОҲАН,
Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Малайзиядаги Халқаро ишбилармонлик маркази бош ижрочи директори:

— Ўзбекистон Президенти барча давлатлар ўзаро, жумладан, турли минтақавий ва халқаро тузилмалар доирасида табиий офатлар ва иқтисодий инқирозлардан тортиб то таълим соҳасигача ҳозирги кунда кузатилаётган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун янада яқин ҳамкорлик қилмоғи зарурлигини жуда тўғри таъкидлади.

Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳи саммитида Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўз вақтидалиги ва долзарблиги билан жуда аҳамиятлидир. Хусусан, ушбу ташкилотнинг махсус Мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғи ташкил этилиши, шубҳасиз, ҳаракатга аъзо давлатларнинг кенг ҳудудида табиий офатларнинг сабабларини чуқур ўрганиш ва улар оқибатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон раҳбарияти нафақат ўз мамлакатида инсон капиталини ривожлантириш, таълим ва тиббий хизмат сифатини оширишга устувор аҳамият қаратаётгани, балки бошқа давлатлар билан биргаликда ҳам бу йўналишдаги ҳамкорликни фаол илгари сураётгани, шубҳасиз, қувонарли ҳолдир. Шу нуқтаи назардан, Қўшилмаслик ҳаракати Ёшлар тармоғининг "Чексиз имкониятлар саммити"ни жаҳон цивилизацияси марказларидан бири — кўҳна Самарқандда ташкил этиш таклифи таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида турли дастурларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиши аниқ.

Ишончим комилки, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги яқин мулоқот, шубҳасиз, ўз халқлари фаровонлиги йўлида барча соҳада ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Шерадил БАҚТИГУЛОВ,
сиёсатшунос, минтақавий масалалар бўйича эксперт (Қирғизистон):

— Дунёдаги энг қадимги ва нуфузли халқаро ташкилотлардан бири бўлган Қўшилмаслик ҳаракатининг мақсад ва вазифалари ҳеч қандай ҳарбий блокларда қатнашмайдиган мамлакатлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш билан изоҳланади.

Қўшилмаслик ҳаракати турли блоклар ўртасидаги ҳарбий-сиёсий ва/ёки мафкуравий қарама-қаршиликка йўл қўймаслик учун унга аъзо давлатларнинг манфаатларини биргаликда ҳимоя қилишга интилади.

Бир қутбли дунё инқирози даврида ҳаракатнинг мақсадлари янги овозга эга бўлади ва бундан ташқари, бу ташкилот дунёдаги янги сиёсий таъсир марказларидан бирига айланиши мумкин.

Шу боис қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида ўзининг узвийлик асосларини сақлаб қолмоқда, яъни мамлакат ташқарисидаги ҳарбий можароларда иштирок этмаслик ҳамда бошқа давлатлар ва ташкилотлар билан муносабатларда блокликдан холи ёндашувда собит қолмоқда. Бундай ёндашув дунёнинг барча мамлакатлари билан дўстона ва самарали муносабатларни ўрнатишга имкон беради, гарчи уларнинг баъзилари бир-бири билан инқироз даврларини бошдан кечираётган бўлса ҳам.

2022 йил февраль ойида Европа қитъасида бошланган энг йирик геосиёсий инқироз шароитида қўшилмаслик мақоми Ўзбекистон раҳбариятининг узоқни кўзлаган ҳолда ёндашувини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу боис Президент Шавкат Мирзиёевнинг катта ва кичик давлатлар билан ўзаро муносабатларда блокликдан холи ёндашуви ҳамда турли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида бу ёндашувда собитлиги Тошкентнинг тинчликсевар сиёсат олиб боришини яққол намоён этмоқда.

Энг муҳими, буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳам ривожланаётган, ҳам ривожланган давлатлар учун ишончли ташқи сиёсий шерик эканлигидан далолат беради.

«Дунё» АА.

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Бугунги кунда мамлакатимизда "Инсон қадри учун" ғояси ва жорий ислоҳотларнинг бош тамойили бўлган "Инсон — жамият — давлат" деган ёндашув барча соҳадаги янгиланишларнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингиб бормоқда.

Биргина ногиронлиги бўлган шахсларга жамият ҳамда давлат томонидан кўмак ва ёрдам бериш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол жалб этишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Ҳозирги вақтда ушбу тоифага мансуб фуқароларни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган бир қатор тузилмалар, хусусан, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ногиронлар ассоциацияси, Кўзи ожизлар жамияти, Карлар жамияти самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қарор ва ижро

Ногиронлиги бор фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида кейинги йилларда мамлакатимизда қатор қонунлар ҳамда 25 дан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мустаҳкам қонуний база яратилди.

Президентимизнинг 2023 йил 28 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун бир неча қўшимча кафолатлар белгиланди. Жумладан, бундан буён ногиронлик идораларо электрон маълумотлар алмашинуви асосида, фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади. Жаҳон стандартлари асосида ногиронликни белгилаш ҳамда улар учун қулай форматлардаги ахборот технологияларидан, имо-ишора тилидан ҳамда мулоқотнинг бошқа муқобил шаклларидан фойдаланиш имкониятлари яратилади.

Шу маънода, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг "Ҳеч кимни ортда қолдирманг" тамойилига ҳамоҳанг кечаётган айни жараёнлар куни кеча янги, янада юксак босқичга кўтарилди. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ижроси билан ўзаро уйғун ҳолда давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 27 февралда матбуотда эълон қилинган "Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада улкан аҳамият касб этганини эътироф қилиш ўринлидир.

Қарордан кўзланган мақсад, инсон ҳуқуқлари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатлами тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳасида қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 2,4 фоизи, яъни 782 минг нафари ногиронлиги бўлган шахслардир. Улардан 123 минг нафари 18 ёшгача бўлган, 461 минг нафари меҳнат ёшидаги ва 198 минг нафари пенсия ёшидаги инсонлар ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг янги қарори ногиронлиги бўлган ана шу шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган.

Қарорда, аввало, ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш ва ногиронлиги борларни реабилитация қилиш муассасалари ускуналарини модернизация қилиш масаласига устувор даражада эътибор берилгани жуда муҳим. Бинобарин, Тараққиёт стратегиясида аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация мосламалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш белгиланган.

Ҳужжатга асосан, жорий йилда 400 нафар ногиронлиги бўлган муҳтож шахсни хорижий технологиялар асосида тайёрланган сифатли ва замонавий оёқ протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Бу ўринда, жумладан, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган ногиронлиги борларни ва биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни сон протези, болдир протези ва оёқ камари ортопед аппаратлари билан бепул таъминлаш ҳақида сўз бормоқда.

Шунингдек, шу йил 1 сентябрдан бошлаб протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда ногиронлиги бўлган шахслардан тиббий хулоса талаб этиш бекор қилинмоқда. Содда айтганда, бундай тиббий хулосанинг мавжудлиги масъул идоралар томонидан электрон маълумот алмашинуви орқали аниқланади.

Бундан ташқари, педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан болаларнинг ногиронлиги бўлган шахс деб топилиши асосли эканлигини аниқлаш мақсадида уларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман ё шаҳар бўлимларининг йўлланмасига асосан қайтадан тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш тартиби бекор қилиняпти.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати 2023 йил 1 июлга қадар ногиронлиги бўлган муҳтож шахслар таъминланадиган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари рўйхати кенгайтирилмоқда. Бинобарин, ҳозирга қадар ногиронлиги бўлган муҳтож шахслар доимий равишда 8 турдаги протез-ортопедия ва 10 турдаги реабилитация воситалари билан таъминлаб келинаётгани ҳисобга олинса, Ҳукуматнинг тегишли қарори асосида ушбу рақамлар миқёси янада ортади.

Давлат раҳбари томонидан ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилгани алоҳида диққатга сазовор. Ҳужжатга кўра 2023 йил 1 майдан бошлаб тиббиёт муассасаларида даволанаётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилиш учун шу муассасада унинг отаси ёки онасига ё уларнинг ўрнини босувчи шахсга ёхуд оиланинг болани бевосита парваришлаётган бошқа аъзосига ногиронлиги бўлган боланинг ёнида бирга бўлиши учун шароит яратилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва уларга юридик ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилади. Бу ҳақда сўз борганда, албатта, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, адвокатура соҳасини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интеграциялашни назарда тутувчи "Юридик ёрдам" ахборот тизими ишга туширилганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Айни чоғда қарорда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий бепул ёрдам олишларига (pro bono) кўмаклашиш учун "Юридик ёрдам" ахборот тизимида адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар фойдаланиши учун очиқ бўлган ногиронлиги бор шахсларнинг мурожаатлари бўлими яратилиши кўзда тутилган. Натижада, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини ошириш мақсадида улар учун адвокатлар томонидан профессионал бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш йўлга қўйилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қатор моддалари, жумладан, 5 — 7, 12 ва 13-моддаларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши зарурлиги қайд этилган.

Президент қарорида тегишли вазирлик ва ташкилотларга ногиронлиги бўлган шахслар учун мавжуд имтиёзларнинг ягона рўйхатини шакллантириш ва доимий янгилаб боришга доир вазифа ҳам юкланган. Бунда имтиёзларнинг ягона рўйхатини Адлия вазирлигининг "Advice.uz" ҳуқуқий ахборот портали бўйича эълон қилиб, интернет тармоғи орқали доимий ёритиб бориш кўзда тутилмоқда.

Табиийки, ногиронлиги бўлган шахслар билан ишловчи педагоглар сони ва салоҳиятини ошириш ҳам долзарб ва масъулиятли масалалар сирасига киради. Шу мақсадда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб "Махсус педагогика, дефектология" магистратура мутахассислиги бўйича олий ўқув юртларига қабул давлат гранти асосида амалга оширилади.

Маълумот учун: 2022/2023 ўқув йилида мазкур мутахассислик бўйича 82 нафар талаба ўқишга қабул қилинган.

Олийгоҳларда ногиронлиги бўлган шахсларга ўқув материалини махсус форматга ўтказиш, тифло таржима ва шу каби бошқа юмушларда кўмаклашувчи махсус педагоглар нормативлари ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, абитуриентлар учун қабул тартиби, тест тўғрисида маълумот ва материаллар қулай форматда бўлиши, яъни видеороликлар, сурдотаржима ёки субтитрлар билан намойиш этилиши таъминланади.

Қарор билан "Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси" тасдиқланди. Режа 14 та ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирдан иборат бўлиб, ижро муддатлари ва масъул ижрочилар аниқ кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Президент қарорини бажаришга масъул тегишли вазирликлар ва манфаатдор ташкилотлар, шу жумладан, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ташаббускорларидан ҳисобланувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази олдида кўплаб хайрли ва масъулиятли ишлар турибди.

Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ҳар қандай жамиятнинг маданият даражаси, бағрикенглик ва меҳрибонлик хусусиятлари имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахслар ва кекса авлод вакилларига муносабати билан белгиланади".

Мирзатилло ТИЛЛАБОЕВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

1 Жумладан, қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, парламент назоратини кучайтириш, халқаро ва парламентлараро муносабатларни кенгайтириш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига кўмаклашиш, халқ билан мулоқот самарадорлигига эришишда парламент таъсирини кучайтириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширди.

Хусусан, қонунчилик йўналишида жами 79 та қонун кўриб чиқилди. Қонунлар ҳудудлар манфаатларидан келиб чиқиб, танқидий-таҳлилий нуқтаи назар билан муҳокама қилинди. 2022 йилда Сенат томонидан 8 та қонун рад этилди.

Қонунларни тизимли таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш амалиёти давом эттирилиб, 20 дан ортиқ қонунлар ижроси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилинишини мониторинг қилиш якунлари бўйича Ҳукумат олдига тегишли вазифалар қўйилди.

Парламент назорати доирасида Сенат ялпи мажлисларида ҳукумат, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳокимларнинг ҳисобот ва ахборотлари юзасидан 27 та эшитув ўтказди.

Ҳар чоракда ҳукуматнинг ҳамда молия вазирининг Давлат дастури ижросининг бориши ва Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари муҳокама этилди.

Сенаторлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор берган ҳолда, ўрганишлар якунлари бўйича мингга яқин масалалар ҳал этиш учун ҳукуматга киритилди. Мазкур таклифлар асосида 2023 йилги Давлат бюджети параметрлари ва инвестиция дастурлари доирасида 1,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилишига эришилди.

Сенат қўмиталари томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида ҳудудларда 67 та ўрганиш ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳукумат аъзоларига 5 та парламент сўрови юборилди. Сенаторлар томонидан жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар, аҳолини ташвишга солаётган муаммолар юзасидан мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига 200 дан ортиқ сўровлар юборилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг 17,1 минг мурожаати кўриб чиқилди. 6,5 мингга яқин мурожаатлар алоҳида назоратга олиниб, атрофлича ўрганилди.

Жумладан, 5 мингга яқин мурожаатлар бўйича муаллифларга тушунтириш берилди, 700 дан ортиқ ариза ва

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

шикоятлардаги масалалар асосли деб топилиб, ижобий ҳал этилди.

Халқаро парламент муносабатлари доирасида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, халқаро молия тузилмалари ва бизнес вакиллари билан ўтказилган 170 дан зиёд учрашувларда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки томонлама парламент алоқаларини ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида парламентлараро гуруҳларнинг 10 дан ортиқ йиғилишлари бўлиб ўтди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятига услубий-амалий ёрдам кўрсатиш учун Давлат бошқаруви академияси ва бошқа мутасадди идоралар билан биргаликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун мунтазам равишда ўқув курслари, семинарлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Сенат Раиси бошчилигида коррупция, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, хотин-қизлар масалалари, гендер тенгликни таъминлаш, халқаро рейтинглар билан ишлаш каби қатор долзарб йўналишларда миллий (республика) тузилмалар фаолияти изчил давом эттирилди.

Маълумот учун: қайд этилган йўналишларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз учун устувор этиб белгиланган 16 та нуфузли халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни кўтарилди.

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида олиб борилган ишлар натижасида “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан 13 йилдан бери (2009 — 2022 йиллар) Ўзбекистон пахтасига қўлланган халқаро бойкот бекор қилинди.

Мажлис давомида Сенат фаолияти якунлари кўриб чиқилгач, 2023 йилга мўлжалланган парламент юқори палатасининг устувор вазифалари ҳам белгилаб олинди.

Шундан сўнг, сенаторлар томонидан “Рақобат тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун мамлакатимиз ҳудудида товарларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш, рақобат муҳитини ҳимоя қилиш, товар, молия ва рақамли бозорларни самарали фаолият кўрсатишига шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоиз, унда 2012 йил қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил қабул қилинган “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунлар бирлаштирилиб, табиий монополия ва устун мавқега эга субъектларга қўйиладиган талабларнинг аксарият қисми бирхиллаштирилган.

Қонунга рақобат соҳасидаги давлат сиёсатининг, яъни рақобатни ҳимоя қилиш, рақобатга қарши ҳаракатларнинг олдини олиш ва тўхтатиш, республика ҳудудида иқтисодий фаолият эркинлиги ва товарларнинг тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш, товар ва молия бозорларининг самарали фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Бундан ташқари, қонун билан бир қатор янги, яъни “монополияга қарши комплаенс”, “рақамли платформа” каби тушунчалар киритилмоқда.

Қонунда устун мавқени белгилашнинг янги мезонлари киритилаётган бўлиб, унга кўра табиий монополия субъектлари ҳам устун мавқега эга субъектлар қаторига қўшилмоқда.

Шу билан бирга қонунда устун музокара кучи институти киритилиб, ушбу нормага кўра, битим шартларини, товарлар реализация қилинадиган ҳудудни ва нархни белгилашга бир томонлама таъсир кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги сабабли бошқа субъектлар билан шартнома тузишда, уларда устун музокара кучи мавжуд деб баҳоланиши белгиланмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида қонунда рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдамни баҳолаш тизими жорий қилинмоқда.

Қонун билан савдоларга доир рақобатни чеклашга қарши талаблар ва ўзаро боғлиқ бўлган иштирокчиларнинг бир вақтда савдо жараёнларида қатнашишига тақиқлар белгиланмоқда.

Шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Сенаторларнинг фикрига кўра, мазкур қонуннинг қабул қилиниши рақобатга қарши ҳаракатларнинг камайишига, иқтисодий фаолият эркинлиги, товарларнинг монеликсиз ҳаракатланишига, рақобат муҳитини ривожлантиришга ҳамда товар ва рақамли бозорларнинг самарали фаолият кўрсатишига, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришга ҳуқуқий асос яратади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда “Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Хусусан, сўнгги вақтларда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги, бу жараёнда тиббиёт ходимларини беморларнинг соғлиғи ёмонлашишида ёки ўлимида асоссиз равишда айблаш, шунингдек, ҳеч бир сабабсиз шифокорларга ва ўрта тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари юз бераётганлиги қайд этилди.

Қонун билан юқорида айтилган муаммоларга ечим топиш мақсад қилинган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда.

Бунда ушбу ноқонуний фаолиятни амалга оширган фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш жазоси киритилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197^{7}-моддасида тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Кодекснинг 305-моддасига мувофиқ мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш муддати уч суткани ташкил қилиши қайд этилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя этиб, уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олади. Шифокорлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлис давомида “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Педагогларни касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга ноқонуний жалб қилиш ҳолатлари давом этаётганлиги, педагог ходимлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва масалаларни ҳал қилиш учун тузилган кўплаб ишчи гуруҳлар таркибига асоссиз киритилаётганлиги, улардан турли ҳисобот ва маълумотлар талаб этилаётгани таъкидланди.

Муҳокама қилинган қонун билан юқорида қайд этилган муаммоларга ечим топиш мақсад қилинган.

Мазкур қонунга мувофиқ Жиноят кодексига педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин худди шундай қилмишни такроран содир этганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилмоқда.

Унга кўра, таълим ташкилотининг педагог ходимини меҳнатга маъмурий тарзда қайта мажбурлаганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик, шу билан бирга, уларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига таълим олувчиларнинг билимини тўғри ва холис баҳолашига таъсир кўрсатиш ёки қонунга хилоф равишда аралашиш, таълим ташкилоти педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун ҳам жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Бунда Кодексдаги санкциялар фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, ушбу қонун таълим ташкилотининг педагог ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда педагог ходимларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, Сенат аъзолари “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча киритиш ҳақида”ги қонунни қизғин муҳокама қилдилар.

Давлат хизматларини кўрсатишда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилинишини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати юзага келаётганлиги қайд этилди.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган қонун аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари мурожаатлари тез фурсатларда кўриб чиқилишини таъминлаши сенаторлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Қонун билан давлат божи ставкаларининг миқдорларига қўшимча киритилмоқда. Жумладан, фуқаролар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилганда белгиланган давлат божи ставканинг 50 фоизи миқдорида тўлаши белгиланмоқда. Бунда қолган қисми белгиланган тартибда ишни кўриш натижасига кўра ундирилади.

Сенаторларнинг таъкидлашича, мазкур қонунда таклиф этилаётган норма фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилиниши ҳамда уларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Муҳокамалар жараёнида бугунги кунда манзил-колониясида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг жазони ўташ жойларини ўзбошимчалик билан тарк этиш ҳолатлари содир қилинаётганлиги, бироқ бундай маҳкумларга нисбатан қатъий жазо чоралари белгиланмаганлиги, манзил-колониясига ўтказилган оғир ва ўта оғир жиноят содир этган маҳкумлар томонидан жазони ўташ даврида бир қатор оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни қайта содир қилиш ҳолатлари кузатилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Биргина 2021 йилда манзил-колониясида жазо муддатини ўтаётган 15 нафар маҳкум томонидан оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилган бўлса, 2022 йилда 77 нафар маҳкум шундай турдаги жиноятларга қўл урган.

Шунингдек, қонунчиликда сақлаш режимини ашаддий бузишнинг оқибатлари ҳамда меҳнатдан бўйин товлаган деб топишнинг аниқ мезонлари белгиланмаганлиги маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлигига таъсир қилаётганлиги айтиб ўтилди.

Муҳокама қилинган қонун нафақат юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган, балки жазони ижро қилиш муассасаларида ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хусусан, қонун билан киритилаётган ўзгартишларга асосан жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумларни сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топиш учун асос бўладиган 24 соатлик муддат 12 соатгача қисқартирилиб, жазони ўташ тартибини бузганлик учун навбатдаги учрашувдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чораси белгиланмоқда.

Шунингдек, Жиноят-ижроия кодекси янги 112^{1}-модда билан тўлдирилиб, унга кўра сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларга нисбатан манзил-колониядан умумий тартибли колонияга, умумий, қаттиқ ёки махсус тартибли колониялардан турмага ўтказиш тўғрисида, шунингдек, манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониялардан турмага қайтариш тўғрисида судга тақдимнома киритилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, манзил-колонияда жазони ўташ даврида сақлаш режимини ашаддий бузганлик учун умумий тартибли колонияга ўтказилган ҳамда умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга қайтарилган маҳкумлар, бу ҳақда суд ажрими чиққан кундан бошлаб камида икки йил мобайнида, шунингдек, манзил-колонияда жазони ўташ даврида жиноят содир этиб, суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм этилган маҳкумлар манзил-колонияга ўтказилмаслиги белгиланмоқда.

Эндиликда маҳкумларни манзил-колонияга ўтказиш муддатлари узайтирилади, яъни оғир жиноятлар учун — жазонинг камида учдан бир қисмини, ўта оғир жиноят учун камида ярмини ўтаганидан сўнг маҳкумлар манзил-колонияга ўтказилиши мумкинлиги ҳамда шу муносабат билан маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш — оғир жиноятлар учун жазонинг камида учдан икки қисмини ўтаганидан сўнг, ўта оғир жиноятлар учун эса камида тўртдан уч қисмини ўтаганидан сўнг қўлланилиши белгиланмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши маҳкумларнинг жазони ижро қилиш муассасаларида ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этишларига, тарбиявий тадбирлар самарадорлиги ошиши ҳамда қайта жиноят содир этилиши ҳолатларининг олди олинишига, меҳнат қилишга бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартиришга, жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгги йилларда фуқароларнинг истеъмол кредитларига бўлган талаби ортиб бориши, шунингдек, маҳсулот етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш кўламининг кенгайиб бораётгани молиявий истеъмол кредити ажратилиши юзасидан амалдаги қонунга ўзгартиш киритишни тақозо этмоқда.

Шу каби омиллар инобатга олинган ҳолда Сенатнинг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида “Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Унга кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган товарлар (хизматлар) учун ҳам истеъмол кредити ажратишга рухсат бериш кўзда тутилган.

Хусусан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотиладиган товарлар (хизматлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикасига ташқаридан келтирилган товарлар (хизматлар) учун молиявий истеъмол кредитлари бериш имкониятини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун билан истеъмолчи молиявий истеъмол кредити олиш тўғрисида истеъмол товарларини (хизматларини) ишлаб чиқарувчи корхонани ёки реализация қилувчи ташкилотни олдиндан ёзма шаклда хабардор этиш тартиби бекор қилинмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши аҳоли истеъмол кредитларини расмийлаштиришда енгилликлар яратилишига, мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш кўламининг кенгайишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақияти амалга оширилиши давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатишни ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишни талаб қилади.

Ушбу қонун айнан давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартларга мос ҳолда такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Хусусан, қонунда маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш белгиланмоқда. Ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга зарарни ундириш талаби бўйича ҳам маъмурий судга киритиш ҳуқуқи тақдим этилмоқда. Маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларга нисбатан суд жарималарини қўллаш, такроран ижро этилмаганлиги учун суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш белгиланмоқда. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмлари жорий қилинмоқда.

Шунингдек, судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш, бунда судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад қилиш ёки иш юритишни тугатишни тақиқлаш ҳамда даъво аризаси, ариза, шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш кўзда тутилмоқда. Иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан иқтисодий судга эмас, балки маъмурий судга шикоят қилиш белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатишга, фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини юксалтиришга ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлиснинг биринчи иш кунида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Қонунга кўра болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган болани отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс чет давлат ҳудудида болани назоратсиз қолдирганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан эллик бараваригача бўлган миқдорда жаримага тортилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, яна худди шундай хатти-ҳаракат содир этганлик ёхуд чет давлат ҳудудида турган боланинг суд томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистонга қайтарилишини таъминламаганлик учун жиноий жавобгарлик киритилмоқда. Жумладан, шундай қонун бузилишлари учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, эндиликда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгартишга кўра боланинг отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс чет давлатда болани назоратсиз қолдириш, яъни ота-онанинг, улар ўринини босувчи шахснинг болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаши қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, қонун билан “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар киритилиб, унга кўра оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбия олиши мумкин бўлган болалар сони йигирма беш нафардан эллик нафаргача кўпайтирилмоқда. “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар киритилиб, унга кўра маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”га қонун билан 4 та кодекс ва 4 та қонунга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, халқимизга хос болажонлик, инсонпарварлик фазилатлари, жамият ва шахс олдидаги масъулият норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизда ҳам ўз ифодаси топмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 3 март

ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРИШИ КУТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Кун давомида юртимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотларга янгича суръат бериши кутилаётган қатор масалалар батафсил кўриб чиқилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда бугунги кундаги аҳамияти хусусида сенаторлар шундай фикр билдирди.

Муносабат

Рақобат муҳити бўлса, иқтисодиёт ўз-ўзидан ривожланади

Эркин ГАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Кейинги йилларда юртимизда эркин рақобат муҳитини шакллантириш масаласига урғу берилаётгани бежиз эмас. Негаки, қаерда рақобат муҳити бўлса, ўша жойда товарлар эркин айланади, умуман, мамлакат иқтисодиёти ўз-ўзидан ривожланади.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Рақобат тўғрисида”ги қонун ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан алоҳида эътиборга молик. Ушбу қонун мамлакат ҳудудида товарларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш, рақобат муҳитини ҳимоя қилиш, товар, молия ва рақамли бозорларнинг самарали фаолият кўрсатишига шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, амалдаги “Рақобат тўғрисида”ги ҳамда “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунлар бирлаштирилди. Айни чоғда, табиий монополия ва устун мавқега эга субъектларга қўйиладиган талабларнинг аксарият қисми бирхиллаштирилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур ҳужжатда рақобатни ҳимоя қилиш, рақобатга қарши ҳаракатларнинг олдини олиш ва тўхтатиш, республика ҳудудида иқтисодий фаолият эркинлиги ва товарлар тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш, товар ва молия бозорларининг самарали ишлаши учун шароит яратиш сингари муҳим йўналишлар ҳам белгилаб қўйилган.

Қонуннинг янгиликлари ҳақида гап кетганда, қатор янги тушунчалар — “монополияга қарши комплаенс”, “рақамли платформа” атамалари амалиётга киритилаётгани, бундан кейин табиий монополия субъектлари устун мавқега эга субъектлар қаторига қўшилаётгани ва рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдамни баҳолаш тизими жорий қилинаётганлигини, шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилаётганлигини ҳам айтиш зарур.

Умуман, бу қонун рақобатга қарши ҳаракатлар камайишига, иқтисодий фаолият эркинлиги, товарларнинг монеликсиз ҳаракатланишига, рақобат муҳитини ривожлантиришга ҳамда товар ва рақамли бозорларнинг самарали фаолият кўрсатишига ҳамда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришга хизмат қилади.

Педагогларни бошқа ишларга жалб этиш жавобгарликка олиб келади

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:

— Маълумки, Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, айниқса, педагог ходимларни ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолларига бутунлай чек қўйишга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентнинг 2018 йилдаги қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларидан бошқа педагогик юкламалар бўйича ҳисобот ва қўшимча маълумотни талаб қилиш, халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш, мавсумий қишлоқ хўжалиги ва бошқа турдаги юмушларга жалб қилиш тақиқланди. Қолаверса, уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш қатъиян ман этилди.

Аммо афсус билан айтиш керакки, шу каби саъй-ҳаракатларга қарамай ҳамон педагогларни уларнинг касбий фаолиятига умуман алоқаси бўлмаган тадбирларга ноқонуний жалб этиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Жумладан, педагоглар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва масалаларни ҳал этиш учун тузилган кўплаб ишчи гуруҳлар таркибига асоссиз киритилган бўлиб, улардан турли ҳисобот ва маълумотлар талаб қилиб келинмоқда.

Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун шу каби ҳолатларга чек қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Унга кўра, Жиноят кодексига педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин худди шундай қилмишни такроран содир этганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилмоқда. Айни чоғда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда педагогларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш, уларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилмоқда.

Умуман, педагогларни фаолиятига тааллуқли бўлмаган ишларга жалб этиш жавобгарликка олиб келади.

Тиббиёт ходимлари фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жазо бор

Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар таркибида тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътибор алоҳида ўрин тутади десак, сира муболаға эмас. Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий асосларини замонга мос равишда изчиллик билан такомиллаштириб бориш чоралари кўриб келинаётир.

Буни ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган “Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аввало, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишга мажбур қилган ҳаётий воқелик ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Гап шундаки, сўнгги пайтларда беморлар ёки уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бораётгани маълум. Айрим ҳолларда эса тиббиёт ходимларини беморларнинг соғлиғи ёмонлашишида ёки ўлимида асоссиз равишда айблаш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Қонун шу каби салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида яратилган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тиббиёт ходими фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки шу мақсадда унга қонунга хилоф ҳолда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Янада аниқроқ айтганда, бундай ноқонуний фаолиятни амалга оширган фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш жазоси киритилаётир.

Бу қонун келгусида тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоялаш, уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олишда қўл келади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

Парламент комиссиясида

МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ННТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)нинг роли ҳамда ўрни кун сайин ошиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари давлатнинг ижтимоий шериги сифатида аҳоли кенг қатламларининг ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлашга, ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашга, демократик ўзгаришлар жараёнига янада кенг жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, аҳоли кенг қатламларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳамда долзарб муаммоларини самарали бартараф этишда ННТ ва фуқаролик жамиятининг муносиб ўрни бор.

Йиғилишда 2023 йил Давлат ижтимоий буюртмаси шаклида давлат органларининг таълим сифатини ошириш, маданият, соғлиқни сақлаш, экология ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қурилиш, коммунал хўжалиги, камбағалликни қисқартириш ва бандлик каби соҳалардаги жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда таъсирчан ташаббусларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган буюртмаларини қўллаб-қувватлаш дастури Парламент комиссияси томонидан кўриб чиқилди.

Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Қайд этилганидек, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, 2023 йилда аҳолининг бандлигини таъминлаш, атроф-муҳитни, фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мавзуларида 62 та лойиҳа тақдим этилган.

Давлат ва бошқарув органлари томонидан тақдим этилган мазкур лойиҳаларнинг масъул ходимлар иштирокида тақдимоти ўтказилди.

Йиғилишда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Андижон вилояти Избоскан туманидаги “Ифтихор” МФЙ, Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги “Оқтом” МФЙ, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги “Роватак” МФЙ ҳудудидаги ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси оғир бўлган 2 минг 103 та хонадонда истиқомат қилувчи 12 минг 689 нафар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси тақдимоти Парламент комиссияси аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан республикадаги махсус ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳидаги ва мактаб-интернатларда таълим олаётган, кўришида муаммоси бўлган тарбияланувчи ҳамда ўқувчиларни яшаш жойига яқин жойлашган умумтаълим мактабларида ташкил этилган инклюзив таълимга жалб қилиш бўйича ижтимоий буюртмаси бугунги куннинг долзарб вазифаларидан эканлиги таъкидланди. Шунингдек, Адлия вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан тақдим этилган давлат ижтимоий буюртмаларининг мақсади ва вазифалари долзарб эканлиги урғуланди.

Парламент комиссияси аъзолари томонидан ҳар бир лойиҳа кўриб чиқилиб, давлат ижтимоий буюртмаларини беришнинг мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг ҳажмлари кўрсатилган маблағларни ажратиши режалаштирилаётган фаолият йўналишлари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар Парламент комиссияси томонидан атрофлича ўрганилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ижро девони.

Фикр

УСТУВОР МАҚСАДЛАР ИНСОН ҚАДРИ ВА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармон имзоланди.

Давлат дастури аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, таълим сифатини илғор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, камбағалликни қисқартириш ҳамда барча соҳадаги ислоҳотларимизни янги босқичга олиб чиқишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Кенг жамоатчилик таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатда белгиланган айрим жиҳатларга тўхталиб ўтсак. Аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг харажатларини тежаш мақсадида мобиль иловалар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш, ундириладиган тўловлар миқдорини камайтириш, талаб этиладиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш, кўриб чиқиш жараёнлари ва муддатларини кескин қисқартириш, давлат хизматлари сонини 300 тага, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар сонини эса 570 тага етказиш белгиланмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш, ногиронликни белгилашда фуқароларга қўшимча енгилликлар яратиш, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш борасида бир қатор енгилликлар ҳамда имтиёзлар назарда тутилмоқда. Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳалар, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 12 триллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Шу билан бирга, таълим муассасаларида ўқув сифатини яхшилаш, соҳани илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга ошириш белгиланмоқда. Жумладан, бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилмоқда. 2023 йилда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктини ташкил этиш орқали аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш йўлида қўшимча қулайликлар яратиляпти.

Бундан ташқари, сувни тежайдиган рақамли технологияларни жорий этиш ҳисобига сувни етказиб беришдаги табиий йўқотишларни 10 фоизгача камайтириш, 7 миллиард метр куб сув иқтисод қилиш ҳамда 300 минг гектар майдонда такрорий экинларни суғоришга йўналтириш қайд этилаётир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Давлат дастурида белгиланган устувор мақсадлар, биринчи навбатда, инсон қадри ва фаровонлиги учун хизмат қилади. Шу ўринда, мазкур ҳужжатда барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор мақсадлар ҳамда вазифалар белгиланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш жоизки, Орол бўйи ҳудудини экологик жиҳатдан тиклаш ишларини кенгайтириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 миллион туп дарахт экиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 50 фоизга етказиш, олис ҳудудлар аҳолисини ижтимоий буюртма лойиҳалари асосида тоза ичимлик суви билан таъминлаш, табиий сув объектларининг санитария-муҳофаза зоналари ва соҳилбўйи минтақаларини белгилаш ишларини якунлаш, Самарқанд шаҳри мисолида ҳудудларни “яшил” шаҳарга айлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ишларининг белгиланиши ва амалга оширилиши фуқароларимизнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш кафолатини таъминлайди.

Ўзбекистон Экологик партиясидан сайланган депутатлар Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан бир қаторда белгиланган чора-тадбирларнинг бекаму кўст бажарилиши учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

Хайрулло ГАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ҲУДУД

Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида катта-катта марраларни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси воҳа аҳлини фаровонликка, тараққиёт сари дадил етаклаб боряпти. Янги корхоналар ишга туширилиши туфайли одамлар ишли, даромадли бўляпти.

Давлатимиз раҳбари воҳага аввалги ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, вилоятдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан масъуллар олдига аниқ вазифалар қўйганди.

Ўтган қисқа даврда вилоятда улкан ишлар қилинди. Биргина саноат йўналишида 10,5 фоизлик ўсишга эришилди. Сўнгги беш йилда 10 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди. Тадбиркорлар сони 2,5 баробар кўпайиб, қўшимча 325 мингта иш ўрни яратилди. Илгари саноат ривожланмаган 8 туманда ишлаб чиқариш 2-3 баробар ортиб, вилоятдаги улуши 36 фоизга етди.

Президентимизнинг яқинда ушбу вилоятга ташрифи қашқадарёликлар ҳаётига кўтаринки руҳ бағишлади. Зеро, ташриф чоғида белгилаб берилган вазифаларнинг барчаси одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Қашқадарё вилоятини иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда энергия таъминотини яхшилаш, саноатни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бандлик ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Масалан, 2023 йилда электр истеъмолидаги тақчилликни ортиғи билан қоплаш учун ҳудудда 3 та қуёш электр станцияси ишга туширилади ва йилига 2,2 миллиард киловатт сарфлайдиган Қарши магистраль каналининг насос станцияларида 6 частотали бошқариш воситаси ўрнатилади. Бу орқали йилига 175 миллион киловатт электр иқтисод қилинади.

Ҳудудда саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда вилоятга 1,5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, 440 минг аҳоли даромадли иш билан таъминланади.

Умуман, буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлаш, одамлар розилигига эришиш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, ҳар бир оиланинг даромадини кўтаришга хизмат қилиши билан эътиборга моликдир. Зотан, ушбу ташриф янги-янги ғоялар, ташаббусларни амалга ошириш, иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси жамоаси “Нуроний” газетаси таҳририятининг собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Темур УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 355 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6